

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2024 йил 10 май

Бухоро – 2024

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2024 йил 10 май** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ”** (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА) мавзусидаги Республикао миқёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу илмий тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир хайъати ва аъзолари:

О.Х.Хамидов - Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор

Т.Х.Расулов - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ф.ф.д., профессор

А.А.Болтаев - Тарих в юридик факультети декани, ф.ф.д., доцент

Ф.У.Темиров - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д (PhD) доцент

С.И.Иноятов – Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.

М.И.Ниязова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

М.Б.Қурбонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

Ф.Ҳ.Бобоҷонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н

А.Ҳ.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д (PhD)

Б.Б.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)

О.И.Ражабов - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,

Ш.Ў.Носиров – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири

Умаров Б.Б. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Носиров Ш.Ў – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2024 йил 4 майдаги
9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар, чиқарилган хулюсалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг
ўзлари масъул ва жавобгардир*

БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚОЗИ МАНСАБИ ВА ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ
ЙЎНАЛИШЛАРИ

Исмат Нусратиллоевич Наимов
Бухоро давлат университети
“Археология ва Бухоро тарихи”
кафедраси доценти, т.ф.ф.д., (PhD)

Бухоро азалдан кўхна тамаддун марказларидан бири бўлиб, бу қадим шаҳарда жаҳон илм-фан тараққиёти билан биргаликда жамиятда адолатни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган атоқли қозилар ҳам етишиб чиқкан. Бухорода қозикалонлик қилиб донг таратган, ўзларининг илму маърифати ва адолати билан намуна кўрсатган етти нафар қози ўтганлиги ҳам маълум. Бухоро амирлигига қозилик институти давлат маъмурий бошқарув тизимида алоҳида ўрин эгаллайдиган ва хукуқий-диний йўналишга кирувчи 11 та мансаблардан бири саналган.

Бухоро амирлигининг суд ҳокимиятига Қозикалон раҳбарлик қилиб, унинг қўл остида 28 та беклик ва 7 та Бухоро туманлари қозилари бўйсунган. Қози хукуқий, маънавий-маърифий ва диний ишлар учун алоҳида белгиланган масъул шахс сифатида Қозикалон кўрсатмаларини ижро этган ва бошқа маҳаллий раҳбарлардан ўз фаолиятида тўла мустақил бўлиб, бекликлардаги ҳақиқий ҳолат тўғрисида Қозикалонга ёки шахсан амир қўшбегисига ошкора ёхуд маҳфий маълумот тақдим этиш ваколатига эга бўлган¹.

Бухоро амирлигига қозилар хизмат фаолияти кўрсатиш йўналишига кўра куйидаги турларга бўлинган:

1. *Шайх-ул-ислом*² – уламолар фаолиятини шариат талаблари асосида тартибга солиб туриш;
2. *Қозикалон* ва унинг қўл остидаги қозилар (фуқарои) – шариат қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш ва унинг устидан қатъий назорат юритиш;
3. *Қози-ўрда* (сипои) – лашкарлар, сипоҳлар ишларини назорат қилиш учун масъул ҳисобланган³.

Қозикалон лавозимига аксарият ҳолларда уламолар таркибидан раис лавозимидаги фаолият юритиб, тажриба орттирган кишилар тайинланган. Қозикалон “шариат-паноҳ” унвонига эгалик қилиб, амирликдаги барча қозиларнинг раҳбари саналган ва ўзига ўринбосар – “ноиб” ёки “вакил” тайинлаши мумкин бўлган⁴.

Қозилар йирик фикҳий уламолар томонидан мукаммал ишлаб чиқилган асрлар давомида амалда бўлган маҳсус одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя этишлари талаб этиларди. Шундай бекиёс манбалардан бири буюк ватандошимиз Бурхониддин Марғиноний (1123-1197)нинг “Ҳидоя” асари бўлиб, унда фикҳ илмлари мукаммал тушунтириб берилган. 1178 йили Самарқандда ёзилган “Ҳидоя” асари тўрт жуздан иборат, мусулмон мамлакатларида хукуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланади. Айнан мазкур асарда шариат аҳкомлари тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда, “Қозиларнинг маҳоми” деб номланган XX бобида адолат ҳимоячилари – қозиларнинг бурч ва мажбуриятлари, уларга берилган ваколатлар, қўйилган талаблар, хукм чиқариш қоидалари каби ниҳоятда муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Уларга кўра, қозиларга ақлни заифлашишига сабаб бўладиган омиллар, яъни қорни оч, чанқоқ ва жаҳли чиқкан, ғазабланган маҳалда хукм чиқариш мумкин бўлмаган. Агар жавобгар хукм чиқариш пайтида дастлаб дъявогар талабига қарши турса-ю, сўнgra

¹ Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 203-иш, 1-варақ.

² *Шайх-ул-ислом* Бухоро амирлигига қозикалон лавозимидан юқорида турса ҳам XX аср бошларига келиб амалда давлат ҳаётидаги ўз таъсирини йўқота бошлайди, чунки кўплаб масалалар қозикалон ташаббуси билан бевосита ҳал этилиш ҳолатлари кўпайиб боради.

³ Бухоро амирлиги қозихона маҳкамаси тарихи (XVIII аср ўрталари – XX аср бошлари) [Матн] / лойиха раҳбари И.Наимов. – Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023. – Б. 49.

⁴ Семенов С. Очек устройство центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. – Сталинобод: Нашриёти академияти фанҳои РСС Тоҷикистон, 1954. – С. 30-31.

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

кўринмай кетса, қози қарор чиқариш муддатини кечикириши мумкин эди¹. Чунки, қоидага кўра, қози қарор чиқараётган пайтда даъвогар билан жавобгар ўртасида ҳақиқий баҳс бўлиши керак эди. Шу орқали ҳақиқатни юзага чиқариш мумкин бўлган. Қози маҳкамама жараёнида даъвогар ва жавобгарга тенг муносабатда бўлиши, уларнинг манфаатини биридан устун қўймаслиги, томонларнинг бирига жилмаймаслиги, чунки бу ҳаракати билан қайси бир томонга рағбати устун маъносида ифодаланиши мумкинлиги каби хизмат йўриқномалари ҳам “Ҳидоя”да келтирилади.

Шу билан бирга, қозилар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашмасалар уларга таъсир чоралари ҳам белгиланган. Хусусан, қози била туриб адолатсиз ҳукм чиқарса, мансабидан бўшатилган. Бундай салбий харакатлари билан авлодларининг ҳам келажагига таъсир этган, оқибатда авлодларидан ҳеч бирига қози бўлишга рухсат берилмаган².

Қозиларнинг мажбуриятларига: фаолият юритаётган шахри ёки вилоятидаги барча фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқиш; жамоа ахлоқини назорат қилиш; зарурий ҳолларда кишиларга ва мулкларга васийлар (мерос ҳукуқи)ни тайинлаш; вақф мулкларини назорат қилиш, жамоат бино ва иншоотларини, кўча, йўл ва майдонларнинг ҳолатини тафтиш қилиш; меросни тақсимлаш ҳамда унга васийларнинг риоя қилишини текшириб туриш; оила-никоҳ аҳдномалари ва муаммоларнинг тўғри олиб борилишини ҳамда жиноят ва жазо белгилашни бошқариш, миршаблар ва зинданлар тафтишини юритиши; закот, соликни йиғиш ва тақсимлаш ишларини назорат қилиш³ ҳамда масжидлар ва бозорларни текшириш, шунингдек, мусулмонларнинг шариатга риоя этишлари ва бошқа ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш каби масалалар кирган.

Шариат қозиларни ўз иш фаолиятида холис, адолат ва масъулиятли бўлишга даъватлаган. Хусусан, машҳур ҳадисшунос олим Абу Довуд Сулаймон ҳадисларга таянган ҳолда асослаб беришича: “Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: **Қозилар уч тоифадан иборатдир**. Улардан фақат бир тоифадаги қозилар жаннатга киритилади, ўшалар ҳақиқатни нозил қилганлар ва унга мувофиқ ҳукм чиқаргандардир. Бироқ ҳақиқатни ошкор қилган, лекин ҳукм чиқараётганда унга эътибор бермаган қози дўзахга киради; томонлар (даъвогар ва жавобгар)нинг нохолис даъволарини била туриб инобатга олган ҳолда ҳукм чиқарган ва ишнинг тубига етиб бормаган, **одамлар устидан жоҳиллик билан ҳукм чиқарган қозининг ҳам жойи дўзахда**⁴ бўлар экан. Бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ким қозиликни талаб қиласа ва унга эришиш учун воситачилар қўйса, у ўз ҳолига ташлаб кўйилади. Кимга қозилик мажбур қилинса, Аллоҳ уни тўғриликка йўллаб турувчи фариштани нозил қиласи”⁵, дейилади.

Қозилик маҳкамаси ҳозирги дунёвий ҳукуқ нуқтаи назаридан, қатъий суд маҳкамалари эмас эди: уларда тергов органлари, прокурорлар ва адвокатлик органлари мавжуд бўлмай, бу жараёнларнинг барчаси бир маҳкамада, умумий ҳолатда амалга ошириларди. Муайян худудда қозиларнинг сони ва уларни тайинланиши, четлатилиши амир иродасига боғлиқ бўлган. Қозиларнинг хизмат ваколат муддати белгиланмаган. Давлат раҳбари энг билимдон кишилар орасидан олий судьяни – қозикалонни тайинлаган ва у бошқа барча қозиларга раҳбарлик қилган, лекин, у қўл остидагиларнинг ишларига аралашини мумкин бўлмаган. Амир Абдулаҳад замонидан бошлаб, қозикалон амирга

¹ Бурхануддин Маргинани. Ҳидоя / Комментарии мусульманского права. пер. с англ.; под ред. Н.И. Гродекова; отв. ред., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х. Саидов. В двух частях, четырех томах Часть 1. Том II. – Москва: Волтерс Клювер, 2010. – С. 733.

² Судья маънавияти, одоби ва масъулияти [Матн] / нашрга тайёрловчилар Ф.Т. Турсунов, С.Б. Аскarov. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2021. – Б. 25.

³ Мирзаев Н. Қози лавозими ва унинг одоби ҳақида ёзилган асарлар таҳлили // “Infolib”. №2, 2019. – Б. 68.

⁴ Ҳадисы пророка (Ҳадис 56) / Перевод смыслов и комментарии Иман Валерии Пороховой. 5-е издание. – Москва: «Рипол-Классик», 2022. – С. 118.

⁵ Судья маънавияти, одоби ва масъулияти [Матн] / нашрга тайёрловчилар Ф.Т. Турсунов, С.Б. Аскаров. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2021. – Б. 60.

ҳафтада бир марта мамлакатнинг умумий аҳволи юзасидан расман ахборот бериб, буйруқ олиб туриш анъанаси йўлга қўйилган¹.

Қозиларнинг қарорлари якуний деб топилар эди ва шикоят қилиш назарда тутилмас эди. Бироқ, айрим пайтларда ҳукмдан норози бўлиб аҳолидан шикоят тушганда, қозилар қозикалонга ишларни кўрсатиши амалиёти мавжуд эди. Қозикалон эса, қоида тариқасида, ишни диншунос-олимлар, яъни аъламлар эътиборига ҳавола этиб, улардан одилона қарор чиқариш талабини кўярди². Қозилар маҳкамада ишни кўриб чиқиш жараённида якка ҳолда фаолият юритиши таъкиқланган. Ҳар бир қози ҳузурида муфтийнинг бўлиши талаб этилган. *Муфтий* қозига ҳукуқий маслаҳатчи ҳисобланиб, шариатга асосан қозилар бир неча муфтийга эга бўлган. Муфтийларнинг асосий вазифаси жавобгар ёки даъвогар қозига мурожаат қилганда қози ишни кўриб чиқишдан олдин томонларга асосланган ривоят ёзиб беришдан иборат бўлган. Муфтий иккала томонни алоҳида тинглаб воқеъликни баён қилгандарига кўра масала ечими учун фиқҳий манбалардан иқтибосларни ёзма равишда бериб, ўз муҳрини қўйган. Даъвогар ва жавобгар ривоятни қозига олиб боришган ва қози ривоятларни солиштириб шаръий суд ҳукмини зълон қилган³.

Бухоро амирлигида бошқа хонликлардан фарқли ўлароқ, туман қозиларида фаолиятининг чегараси белгиланган қатъий ҳудудлар бўлган. Шу билан бирга бир туман аҳолиси бошқа туман қозисига ишонч билдириб унга мурожаат этиш ҳукукини ўзида сақлаб қолган, яъни ҳар бир мурожаатчи ўзи истаган қозига бирор бир ҳукуқий масала бўйича мурожаат этиши мумкин эди. Суд мунозарали, очик ва ошкора ўтарди. Суд бошланишидан олдин қози томонларга келишувга эришишни таклиф қилас, агар рад этилган тақдирда у томонларнинг арзларини, гувоҳларнинг қасамёд кўрсатмаларини тингларди, сўнгра қарор қабул қиласди ва қарор дарҳол маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижро этилар эди.

Бухоро амирлигида Қозикалоннинг ваколатлари ниҳоятда кенг бўлиб, у амирликнинг маънавий-маърифий ишларига ҳам айни пайтда раҳбарлик қиласди. Имом хатиб, муфтилар ва бошқа лавозимларга номзодларни тавсия этиб⁴, улар устидан назорат юритган⁵. Диний байрамлар, хусусан, Рамазон ва Қурbon ҳайитларини нишонлаш, ибодат вақтларини белгилаш учун хижрий-қамарий тақвим ҳисобини юритиш ҳам Қозикалоннинг зиммасига юкланган. Булар тўғрисида Қозикалоннинг амир номига жўнатган мурожаатлари далолат беради⁶.

XV-XIX асрда билим етказишида муҳим восита саналган китобларни жамловчи ягона маскан – кутубхоналар фаолияти жамиятда катта аҳамиятга эгалиги сабабли вақф, жамоат ва ҳатто сарой кутубхоналари бошлиғи лавозимига номзодлар Бухоро хонлиги ижтимоий-маданий ва диний-маърифий хаётида етакчи ўринга эга бўлган қозикалонлар томонидан тайинланган. Бухоро қозилари ташкил этган бой кутубхоналар борасидаги маълумотларга кўлёзмалар ва уларга босилган муҳрлар асос бўлиб хизмат қиласди⁷.

Бухоро мадрасаларидаги таълим сифатининг назорати ва ташкилий ишлар тўлиқ қозикалон зиммасида бўлган. Таълим тизимиға доир барча турдаги ҳужжатлар олий ҳукмдор эътиборига қози ул-куззот орқали тақдим қилинган. Пойтахт Бухоро ва бекликлар қозилари ҳам айнан ушбу вазифани бажарган. Жумладан, Ўзбекистон Миллий архиви И-323-жамғармаси йигма жилдларида сақланилаётган мадрасаларга тегишли вақф

¹ Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври / [Тож. Ҳ.Қурдатиллаев ўзбеклаштирган; Сўнг сўз Муҳиддиновники]. – Тошкент: “Минҳож” нашр., 1991. – Б. 39.

² Корнеев В.В. Шариатские суды в Туркестане // Независимая газета (спец. выпуск). – М., 2001. – С. 7.

³ Азизов И. XIX асрнинг сўнгги чораги – XX аср бошида Бухоро амирлигида солик тизими. т.ф.ф.д., (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 19.

⁴ Ўзбекистон МА, И-48-фонд, 1-рўйхат, 1962-иш, 1-11-вараклар.

⁵ Ўзбекистон МА, И-48-фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 21-варак.

⁶ Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 1925-иш, 14, 42, 27, 92-вараклар.

⁷ Зиёдов Ш. XV-XX аср бошларида Марказий Осиёда кутубхоначилик тарихи (кўлёзма манбалар ва улардаги муҳрлар таҳлили асосида). Тарих фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2022. – Б. 7.

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

хужжатларидаги мухрлар буни тасдиқлайди¹. Таълим тизимида вақфсиз мадрасалар ҳам бўлган. Уларнинг бошқарувини қозикалон ва қозилар амирлик томонидан белгиланган тартибда юритиб, “байт ул-мол”дан молиялаштирилишини ташкил қилиб турган.

Бухоро амирлиги қўшбеги архивида сақланилаётган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, мадрасаларнинг етарли илмга эга истеъоддли ва тажрибали охунд-мударрислари вақти-вақти билан саралаб олиниб, туман ҳамда бекликларга қози ва бошқа муҳим мансабларга юборилган².

Қозиларнинг ўз вазифаларини вижданан бажаришларини таъминлаш мақсадида уларнинг хизмат ҳақлари ҳам муносиб белгиланган. Бу борада, тадқиқотчи И.Бекмирзаевнинг илмий-тадқиқий қарашларида янада батафсилоқ тўхталиб ўтилади: “Балх фақихларида дам олиш кунида қозининг иш билан банд бўлмаслигини инобатга олиб, уларга меҳнат ҳақи тўламаслик таклиф этилган бўлса, Бухоро фақихлари дам олишнинг бошқа иш кунларига ижобий таъсири бор, деган мақсадда қозига маҳкама юмушидан холи кунларда ҳақ тўланиши керак, деб ҳисоблаганлар. Ишдан ташқари дам олиш қозининг иш кунларida тўғри ҳукм чиқаришига, даъво ишларини диққат билан ўрганишига ёрдам беради, деган фикрда бўлганлар. Бурхониддин Махмуд Бухорийнинг билдиришича, ўрта асрларда *Ироқда – шанба, Шомда – душанба, Бухоро ва Самарқандда – сешанба кунлари қозиларнинг дам олиши куни сифатида* белгиланган. Шунингдек, бошқа минтақалардан фарқли ўлароқ, фақатгина Самарқанд ва Бухорода қозининг дам олиш кунида иш ҳақи тўлиқ сақланган. Минтақа қозилари ихтиёрида дам олиш кунини ўз иш жадвалига қараб мустақил белгилаш имкони ҳам бор эди. Шунга қарамай, кўплаб қозилар сешанбада дам олганлар”³.

Бухорода қозилар ўз меҳнатлари учун маълум бир миқдорга ҳақ олганлар. Хизмат ҳақлари “байт ул-мол”дан тўланган. Хизмат ҳақини белгилашда ҳар ой якунি билан қозилар томонидан амирлик хазинасига топшириладиган “муҳрон”⁴ пулининг кўлами эътиборга олинган⁵. Қозига маҳкама ишидан манфаатдор шахслар томонидан хадялар берилиши ҳаром ҳисобланган. Қозиларга амирлар томонидан нафақа ҳам белгилаган. Масалан, собиқ қозикалон Бақоҳўжа лавозимидан олинганидан сўнг унга “шайх-ул ислом” унвони берилган ва 6-7 минг танга нафақа тайинланган⁶.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигига қози мансаби давлатчилик тизимида алоҳида мавкеи, кучли ҳокимият таъсири ҳамда обрўга эга бўлган юқори унвон ва мансаблардан бири эди. Уларнинг хизмат фаолияти ниҳоятда серқирра бўлиб, жамият ҳаётигининг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги жараёнларга фаол иштирок этадиган ва ҳал қилувчи кучга эга амалдор эди. Афсуслар бўлсинки, Бухоро амирлиги тугатилгач, мустақиллик кўлга киритилгунга қадар ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллаган қозилик маҳкамаси ва унинг фаолияти тўғрисида нотўғри қарашлар сингдиришга ҳаракат қилинди. Аммо бугунги кунда тарихчи ва манбашунос олимлар томондан амалга оширилаётган мазкур йўналишдаги тадқиқотлардан аён бўладики, жамиятда адолатни таъминлашга масъул бўлган қозилар ўз даврида аҳоли ишончини ўз адолати билан қозонган, мадад кучига эга бўлган ва ҳар қандай муаммога фиқхий манбалар асосида жавоб топа оладиган зиёли қатлам вакили эди. Шу нуқтаиназардан қозиларнинг фаолиятини манбалар асосида атрофлича ўрганиш ва кенг тарғиб этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон МА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 5, 43, 49, 73, 89-ишлар.

² Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 1990-иш, 65-варак.

³ Бекмирзаев И. Қозилик маънавияти. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – Б. 32-33.

⁴ Муҳрон – мухр босувчи қозига бериладиган давлат божи. Муҳрон кўрилаётган ишнинг ҳажмига кўра белгиланган.

⁵ Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 602-иш, 3-варак.

⁶ Бухоро хабарлари // “Таржимон” (Боғчасарой). №132. 1913 йил 15 июнь.

Uzoq yillar davomida Sovet tarixshunosligida Rossiya imperiyasining O'rta Osiyodagi harbiy harakatlarining yoritilishi asosoan komministik mafkuraninig g'oyalalariga mos tarzda kechdi. Harbiy harakatlarning asl maqsadlari e'tibordan chetda qoldi. Shunigdek, imperiya harbiylarining mustaqil Buxoroga yurishlari va ularning natijalari ham mafkuraga asoslangan holda tadqiq etilgan edi.

Aslini olganda 1858 yili birdaniga uchta ekspeditsiya tuzilib, sharqshunos N.V.Xanikov boshchiligidagi ilmiy ekspeditsiya Eron va Hirot vohasiga; Ch.Valixonov boshchiligidagi savdo ekspeditsiyasi Qashqar (Janubi-sharqiy Turkiston)ga va diplomatik ekspeditsiya Xiva hamda Buxoro xonliklariga yuboriladigan bo'ldi. Bu ekspeditsiyaga Londondagi rus harbiy agenti, O'rta Osiyoga hujum qilish siyosatining tarafdori polkovnik N.P.Ignatev boshchilik qilgan.

A.I.Butakov qo'mondonligidagi Orol flotiliyasidan iborat missiya mintaqadagi umumsiyosiy vaziyatni o'rganish, Buxoro va Xivada rus savdosini kengaytirish va yaxshilash; xonlik ishlariga "inglizlarni zararli aralashuvi"ni barbod qilish va ularni o'z tomoniga jalb etish; rus savdo kemalarining Amudaryo bo'ylab erkin suzib yurishiga xonlarning roziligin olish vazifasini bajarishi kerak edi. Ularga taqdim etilgan 8-yo'riqnomada: "Sizlarga yuklatilgan ishlarning eng muhimi Amudaryo bo'ylab ochiq kema qatnovini yo'lga qo'yishdan iborat. Bu vazifani bajarish uchun imkonim bo'lgan barcha vositalar bilan harakat qilishingiz kerak", - deyilgan edi. Shundan ham ko'rinish turibdiki bu ekspeditsiya bo'lg'usi bosqinchilik harakatlari uchun zamin tayyorlash maqsadida kelgan edi¹.

Bundan tashqari, N.Ignatyev Xiva va Buxoroga qilingan missiya yakunlariga baho berib, o'zining "Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г." nomli asarida shunday yozgan edi: "Eng asosiy va eng muhim natija shundan iboratki, xonlikni rus hukumatining ko'zidan to'sib turadigan tuman tarqalib ketdi. Bizning missiyamiz qo'lga kiritgan ma'lumotlar va avvalgi, "sarob"ning insof bilan barham toptirilishi ana shu ayyor va o'z so'zida turmaydigan qo'shnilar bilan munosabatlarimiz tabiatida keskin burilish yasadi, ular hokimiyatning ahamiyati va negiziga, ularning haqiqiy kuchiga va ayniqsa biz O'rta Osiyoda egallashimiz lozim bo'lgan ahvolning xususiyatlariga ancha tog'ri nazar tashlash qaror topishiga, o'zimizning muhim manfaatlarimizni yanada to'g'ri va qudratli tarzda himoya qilishimiz uchun ko'zlangan maqsadimizni aniqlab olishimizga imkon berdi".

Ekspeditsiyaga bu xilda baho berish "gapga ko'nmaydigan" qo'shnilar bilan diplomatik muzokoralar olib borishdan bevosita qurolli siquvg'a, faol hujumkor harakatlarga o'tish "vaqt kelganini" bildirardi. Ana shu paytdan Rossiya imperiyasi hukmron doiralarining rejalarini va mo'ljallarida O'rta Osiyo muammosi ustuvor o'r'in egallab, "Osiyoda o'z sanoatimiz, o'z madaniyatimiz va o'z savdo sotig'imiz ta'sirini kuchaytiraylik", "Bizning chegaralarimizga tutash bo'lgan dunyoning bu qismidagi madaniy ishda ishtirok etishimizni talab qilamiz", "Bizning ham bu viloyatga erkin kirishimiz mumkin bo'lgan vaqt yetdi" kabi chaqiriqlar eshitila boshlandi.

M.Terentyev o'zining "История завоевания Средней Азии" nomli asarida: "General Chernyayev Toshkent atrofidagi ba'zi viloyatlarni ham ishg'ol etajagini, bular faqat Qo'qon xoniga tegishli bo'lganligi uchun Buxoroni aralashmasligini so'ragan edi. Buxoro amiri hali ham sulh tuzish umididan voz kechmay, 1865 yilda Nasriddin Hoja boshchiligidida Toshkentni ozod etish masalasida Peterburgda elchilar yubordi. Ammo amir elchilari general Chernyayev buyrug'i bilan general Krijanovskiy tomonidan Orenburgda ushlab qolindi, Peterburgga borishga yo'l qo'yilmadi. Bunga javoban Buxoro amiri ham Toshkent da'vosidan voz kechish uchun Rossiyaning Buxoroga yuborilgan bir guruh elchilarning qaytib ketishlarini ta'qiqlab qo'ydi", - deb yozadi². Amir Muzaffarxonning bu ishidan darg'azab bo'lgan general Chernyayev bir xat

¹Игнатьев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. – СПб., 1897. – С. 278.

² Терентьев М.А.История завоевания Средней Азии. Т.1. - СПб., 1906. – С. 324.

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

tayyorlab, darhol bir qarorga kelishini so'ragan edi. Amir Muzaffarxon rus generallarining ushbu xatiga shunday javob bergen edi: "Mening elchilarimni imperator bilan uchrashuviga monelik qildingiz. Men ham bunga javoban sizning elchilaringizni ushlab turibman. Mening elchilarim rus imperatori bilan uchrashuvigacha elchilaringizni himoya qilib turaman".

General Chernyayev o'z elchilarini qaytarish uchun kuch ishlatalishga qaror qilib, 1866 yil yanvar oyida Buxoro amirligini bo'yundirish uchun harbiy harakatlar boshladi. Bu xabarni eshitgan amir Qo'qon xoni Xudoyorxonga ruslarning yo'lini to'sishni buyurdi. Xudoyorxon esa Rossiya bilan to'qnashishdan qo'rqib, amir Muzaffarning farmonini bajarmadi.

Rus istilochilari nazarlarini 1866 yil yanvarida Buxoroga qaratadilar va general Chernyayev harakatlarini boshlaydi. Dastlab qo'shin Jizzax tomondan o'z harbiy harakatlarini boshladi va shu yilning o'zida Jizzax bilan birgalikda O'ratega va Yangiqo'rg'on ham egallandi. M.Zinov'yev o'zining "Осада Ура-Тюбе и Джизака. Воспоминания об осенней экспедиции 1866 г. в Туркестанской области" nomli risolasida bu voqealar haqida qimmatli ma'lumotlarni beradi. Unda: "1868 yil ikkinchi harbiy mavsum boshlanib, unda juda katta strategik ahamiyatga ega Samarqand egallandi. Bu mag'lubiyatlarda asosiy sabab bu - xonlar o'rtasida ittifoq yo'qligi hamda hali ham foydalanilayotgan qilich, zambarak va o'q yoylarning ruslarning tengsiz artilleriyalari yonida o'yinchoq bo'lib qolishi edi deb qayd qilib o'tadi. Ularning o'qlari ayrim hollari aytmaganda qo'rg'oshin yalatilgan toshchalarga o'xshaydi"¹, - deb qayd qiladi M. Zinov'yev.

Ammo shuni ham alohida ta'kidlash joizki ruslar elchilik munosabatlari davrida juda katta ma'lumotlarga egaliklari ham ularning ozchilik bo'lishlariga qaramasdan samarali harakatlanishlariga sabab bo'ldi². Ruslarga qarshi birlashibgina ularni yengish mumkinligini Jizzax shahri aholisi ko'rsatib berdi. Ular hattoki general Chernyayevning mansabdan ketishi va Turkiston viloyati harbiy gubernatori va qo'mondoni qilib general Romanovskiy tayinlanishiga sabab bo'ldilar. Mirzo Abdulazim Somiy "Тарихи Салотини Мангития" asarida yozishicha, Orenburg general gubernatori Krijanovskiy Rossiya harbiy vaziri Milyutinga 19 oktabrda yozgan telegrammasida: "Jizzax 18 oktabrda besh kunlik qamaldan so'ng egallandi. 100 ga yaqin askarimiz halok bo'ldi, to'rt kishi yaralandi" deb yozadi. 1867 yil 11 iyulda Turkiston General gubernatorligi tashkil etiladi. Uning rahbari etib General fon Kaufman podsho Aleksandr II tomonidan tayinlandi. Jizzaxdagi jangdan qaytgan kam sonli kishilarning ko'pchiligi yarador, otsiz va qurolsiz edi. Ruslar oradan 15 kun o'tib endi Samarqand sari harakatlanib boshlashdi - deb yozadi³.

Voqealar rivojini yoritishda D.Logofetning ma'lumotlari qimmatlidir. U o'zining "Бухарское ханство под русским протекторатом" nomli asarida "1868 yil 29 mayda Kattaqo'rg'on atrofida 30000 kishidan iborat qo'shin ruslarning 30 ta to'p va miltiqlar bilan qurollangan askarlariga qarshi chiqib, 7000 kishi vafot etdi. 31 mayda Kattaqo'rg'on dagi ruslarga yana zarba berildi. Bu davrda Abdumalik to'ra Qarshi, G'uzor, Hisor, Sherobod aholisini G'uzorda to'playdi va Shahrisabz beki Hakimbiy va Kitob beki Jo'rabeq bilan birgalashib, bo'lajak hujumga tayyorlana boshlaydi. Zirabuloq janggidan so'ng endi aholi jimb qolgandek tuyulgandi. Ammo Buxoro taxti valiahdi Abdumalikxon Shahrisabz va Hisor aholisidan qo'shin tuzib Samarqand tomon harakatlana boshlaydi", - deb yozadi⁴.

G.Arandarenko bu haqida: "1868 yil 6 oktabrda general Abramov vatanparvar kuchlar bilan Qarshida to'qnashadi. Ammo artilleriya o'z kuchini ko'rsatib Abdumalik to'ra Xivaga qochadi. 1870 yil 25 iyunda general Abramov olti rota, 200 kazakdan iborat qo'shin bilan isyonkor shahrisabzliklarni tor-mor etadi. 14 avgustda Kitob shahri egallanib, 15 avgustda

¹ Зиновьев М. Осада Ура-Тюбе и Джизака. Воспоминания об осенней экспедиции 1866 г. в Туркестанской области // Военный сборник, 1868. №3 - 4, - С. 331.

² Мейендорф Э.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М., 1875. - С. 140.

³ Мирзо Абдулазим Сомий. Тарихи Салотини Мангития. - М., 1962. - С. 66.

⁴ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том 1. - СПб., 1911. - С. 28.

О.Х.Хамидов. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро илм-фан ва маданият ўчоги.....3

Сулаймон Иноятов. БУХОРО ФИДОЙИ ЖАДИДЛАРИ ҲАРАКАТИ: ТАРИХ ВА ТАКДИР	5
Фаррух Темиров, Раъно Раҳимова. БУХОРО ВИЛОЯТИ, ЖОНДОР ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН “УШОТ” ВА “СОМОНЧУҚ” ҚИШЛОҚЛАРИ ТАРИХИ ҲАҚИДА	15
A.H. Boltayev, O.I. Rajabov. PROFESSOR Н.Н.ТО‘RAYEV – BUXORO TARIXI TADQIQOTCHISI	17
Фаррух Темиров. 2023 йилнинг 20 сентябрда Бухоро давлат музей қўриқхонаси ва Бухоро давлат университетида “Бухоро тарихи масалалари: тарихий – маданий меросимизни ўрганимиз” мавзусида Республика миқёсидаги илмий семинар ва унинг натижалари ҳақида	19

1-ШЎЬБА. БУХОРНИНГ ҚАДИМГИ, ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ШАҲАРСОЗЛИК, ИЛМ-ФАН, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ).....22

Отахўжаев Азимхўжа Музаффарович. БУХОРНИНГ ҚАНҒ ДАВЛАТ УЮШМАСИДАГИ ЎРНИ	22
Комилжон Раҳимов. ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРОДА КУТУБХОНАЛАР ВА КИТОБ ДЎКОНЛАРИ ВА УЛАРДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ	25
Shodiyeva Shahlo Soliyevna, Umedov Xurshidbek Jamshid o‘g‘li. SO‘G‘D KONFEDERATAIYASIDA DAVLAT BOSHQARUVI	29
Очилов Алишер Тўйлис ўғли. ПОЙКЕНТ МУЗЕЙИ - АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИДАН СЎЗЛОВЧИ МУЗЕЙ	33
Даминов Набижон Абдуолимович. ДОБУСИЯ ҚАЛЬАСИ ТАРИХИ	36
Bafoyeva Sarvinoz Umidjon qizi, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORO VOHASINING ILK SHAHARLARI:POYKENT VA VARAXSHA	40
Narzulloyev Farrux, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORONING ANTIK VA ILK O‘RTA ASRLAR TARIXI (POYKENT MISOLIDA)	42
Шокирова Ферангиз Фурқат қизи, Rajabov Oybek Iskandarovich. ILK O‘RTA ASRLARDA DAVLATCHILIK VA BOSHQARUV	45
Islamova Qunduz. BUXORONING QADIMGI, ILK VA O‘RTA ASRLAR DAVRI TARIXI MASALALARI	47
Hikmatova Salomat Hamza qizi, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORONING ZAMONBOBO YODGORLIGI MODDIY MADANIYATI	49
A’зам Boltayev, Hamroyev Bekzod. BUXORO TUMANIDAGI ETNOTOPONIMLAR TARIXI	51
Umarov Baxtishod. BUXORONING SOMONIYLAR MARKAZIGA AYLANISHI MASALASI	53
Juraqulov Muhammadamin Shoahmatovich. SOMONIYLAR DAVRIDA KUTUBXONA VA KITOBDORLIK TIZIMI	56
Samaneh Khalili Far, Abbas Iqbal Mehran. INVESTIGATING THE ROLE OF SAMANI RULERS IN THE ART OF PAINTING IN THE SCHOOL OF BUKHARA	60
Narimonov Murodillo Ismat og‘li, Utayeva F.X. SOMONIYLAR DAVLATIDA ILM-FAN, MADANIY HAYOT VA DIN	71
Ozodova O‘g‘iloy Davron qizi, S.A.Toshtemirova. QORAXONIYLAR DAVRIDA BUXORO SHAHRIDA SHAHARSOZLIKNING RIVOJLANISHI	73
Xo‘jageldiyev Ibodulla Mamaradjab o‘g‘li. BUXORO ME’MORCHILIGI	74
Shodiyeva Shahlo Soliyevna. AMIR TEMURNING OILASI VA OILAVIY HAYOTI: HOKIMIYATINING GENEALOGIK LEGITIMLASHUVI	78

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

Kamolov Ixtiyor Nigmatullayevich. BUXOROLIK TAKINAXOTUN VA UNING SOHIBQIRON O`GLI.....	80
Olimova Iroda. BUXORO BUNYODKORLIGIDA MIRZO ULUG`BEKNING AMALGA OSHIRGAN SAY-HARAKATLARIDAN TARIXIY LAVHALAR.	81
Usmonaliyeva Madina Komiljon qizi, Normatov Otabek Maxamatjonovich. BUXORODAGI MIRZO ULUG`BEK DAVRIGA OID TANHO INSHOOT – “ULUG`BEK MADRASASI” ...	84
Islomova Gulchiroy Muzaffar qizi, Utayeva F.X. AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRIDA TIJORAT VA SAVDO MARKAZLARIGA E`TIBOR.....	87
Avliyakulova Nafisa Muzafarovna. BUXORO – XALQARO SAYYOCHILAR MARKAZI	88

2-ШЎЙБА. БУХОРОНИНГ ХОНЛИКЛАР (АМИРЛИК) ДАВРИ (ШАЙБОНИЙЛАР, АШТАРХОНИЙЛАР ВА МАНФИТЛАР) ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ШАҲАРСОЗЛИК, ИЛМ- ФАН, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ)92

Faффоров Ш.С. БУХОРО ХОНЛИГИНинг АНТОНИ ЖЕНКИНСОН ЭСТАЛИКЛАРИДАГИ ТАВСИФИ	92
Шодмон Вохидов, Гулпари Шарифова. (НА ОСНОВЕ КАТАЛОГА БИБЛИОТЕКИ САДРИ ЗИЯ).....	96
Абдукаримов Жамолиддин Аҳмадалиевич. Мирзо Абдулазим Сомий Бўстонийнинг “Тўхфаи шоҳий” асарига оид янги тадқиқот	100
Дилноза Жамолова. “ТАЪРУФИ МУСЛИМИН” ЖУРНАЛИ: БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАҚИДА	103
Мурзобжон Абдуллаев, Расулбек Абдурасулов. АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ.....	107
Ақбар Замонов. АБДУЛЛАХОН II ШАХСИЯТИГА НАЗАР	110
J.J.Majidov, H.Bobomurodova. SHAYBONIYLAR DAVRIDA BUXORO ME'MORCHILIGI.....	114
Baqoyev Umidjon Shuhrat o‘g‘li. ASHTARXONIY UBAYDULLAXON II DAVRIDA BOBURIYLAR IMPERIYASI BILAN DIPLOMATIK ALOQALAR	115
Nargiza Isomiddinova Xusniddin qizi, Feruza Bobojonova Xayatovna. BUXORO XONLIGI TA’LIM TIZIMI.....	117
Гулирухсор Темирова. МИР МУҲАММАД АМИН БУХОРИЙ ВА УНИНГ “УБАЙДУЛЛАНОМА”	119
Norova Zilola Raxmatullo qizi, Utayeva F.X. BUXORO VA XIVA XONLIKlarINING TASHQI SAVDO ALOQALARI	121
Olimova Dilsora, Bobobjanova Feruza. BUXORO AMIRLARINING KUNDALIK DINIY AHKOMLARI.....	122
Dusaliyev Muysin Tura o‘g‘li. XIX ASRNING BIRINCHI YARMIDA QO‘QON-BUXORO MUNOSABATLARI	126
Berdiyev Jamshid Panjiyevich. XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA QASHQADARYO VOHASI HUNARMANDCHILIGI HAQIDA BA’ZI MULOHAZALAR	129
Ҳусен Хайруллоевич ЏУРАЕВ. БУХОРО САРОЙ ВА МАДРАСАЛАРИ, КУТУБХОНАЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН МИРЗА, МУНШИЙ, ХАТТОТЛАР ВА КОТИБЛАР ТАРИХИ	132
Соҳиба ҚОДИРОВА. БУХОРОДА МУСИҚА САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ МИЛЛИЙ-ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ	135
Ismailov G‘afurjon Xasanovich. ISTANBULDAGI BUXORO TEKKESI – O‘TMISH VA BUGUN	138
Normatov Otabek Maxamatjonovich. BUXORODAGI SAVDO-SOTIQ MUNOSABATLARI TARIXIDAN	143
Hamroyev Asliddin Umed o‘g‘li. AMIR HAYDAR MAKTUBLARIDA IQTISODIY MASALALARINING YORITILISHI	144

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

Hamroyev Asliddin Umed o‘g‘li. AMIR HAYDARNING MA’NAVIY QIYOFASI.....	146
Курбонова М.Б. БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ТАОМЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИСЛОМИЙ УДУМЛАР	148
Qurbanov Murodjon Dehqonboy o‘g‘li. MIRZA SALIMBEKNING TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK ILMI RIVOJIGA QO‘SHGAN HISSASI	150
Xamrayev Iskandar Murotjonovich. BUXORO SHAHRI SUV TA’MINOTIDA BOLO HOVUZNING O‘RNI VA AHAMIYATI	154
Nigmatov Alisher Xayrulla o‘g‘li. BUXORO XONLIGI VA AMIRLIGINING ELCHILLIK ALOQALARI.....	155
Tojiyev Dostonjon Beknazar o‘g‘li. BUXORO AMIRLIGINING BUYUK BRITANIYA, ERON VA USMONIYLAR IMPERIYASI BILAN SIYOSIY HAMDA DIPLOMATIK ALOQALARI TARIXI.....	158
Сайфидинов Достон. ДОНО ЗИЁЕВАНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДА XIX - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ (МАДРАСАЛАРДА ТАЪЛИМ, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-СОТИҚ МАСАЛАЛАРИ)	164
Н. А. Жумаева, З.А. Ҳожиева. ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ – ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР ТАРИХИДАН (XIX – АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА).....	167
Shodiyeva Shahlo Soliyevna, Rahmatilloyev Nusratillo Hikmatillo o‘g‘li. BUXORO AMIRLIGIDA TINCHLIK VA FAVQULOTDA HOLATLARDA YIG‘ILGAN	170
Маманов Мехридин Дусмурот ўғли. БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ САМАРҚАНД БЕКЛИГИ СИЁСИЙ-МА’МУРИЙ БОШҚАРУВИ ТАРИХИ	172
Хўжаёров Асилбек Отабек ўғли. ҚАРШИ ШАҲРИ МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР (XX АСР БОШЛАРИДА)	176
Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли. САВДО – СОТИҚ АЛОҚАЛАРИДА БОЗОРЛАР ВА КАРВОНСАРОЙЛАРНИНГ ЎРНИ.....	180
Н. А. Жумаева, Ш.С. Ортиқова. ҚЎШ ЧИҚАРИШ ёКИ ЭКИН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ РАСМ - РУСУМЛАР.....	183
Zaripov Sodiq Djurayevich. BUXORODAGI «SITORAI MOXI XOSSA» OBIDASI QURILISH ARXITEKTURASI	187
Мубинов Мухаммадали Акобирович. ИЗУЧЕНИЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА АНГЛИЙСКИМИ ПУТЕШЕСТВЕННИКАМИ (XIX ВЕК)	189
Sharipov Shohruz Faxriddin o‘g‘li. BUXORO TARIXIGA OID ARXIV MANBALARI (ROSSIYA DAVLAT QADIMGI AKTLAR ARXIVI MISOLIDA)	193
Amonkeldi Axmatov, BUXORO ADABIY HARAKATCHILIGI NAMOYANDALARI	194
Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li, Samadova Rahimabegim Abdusaid qizi. XIX ASRDAGI BUXORO VA ERON SAVDO MUNOSABATLARI XUSUSIDA	196
Elmurodova Nigora Jobir qizi. BUXORO AMIRLIGIDA FAOLIYAT YURITGAN OLIY MADRASALAR	198
Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли, Эркинова Нилуфар Миршод қизи. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЯГОНА ИМПЕРИЯ БОЖ ТИЗИМИГА КИРИТИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ	200
Faxriya Abdurasulova. BUXORO AMIRLIGI DIN ULAMOLARINING MA’NAVIY HAYOTIDA TUTGAN O‘RNI	204
Ирискулов О.Ж. БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА САМАРҚАНДДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ	208
Bobodustov Bobur Mirzoboyevich. XIX ASRNING OXIRI - XX ASR BOSHLARIDA ZARAFSHON VOHASI SUV XO‘JALIGIDA SARFLANGAN XARAJATLARNING TARIXIY-MANBAVIY TAHLILI.....	211
Джуразода Д.Х. О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ЛИТЕРАТУРНОЙ ШКОЛЫ БУХАРЫ В XVIII –ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВВ.	214

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

У.Муродуллаев. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА МАНГИТЛАР СУЛОЛАСИННИНГ ЎРНИ	217
Максуд Бешимов. АЙНИЙ ВА МУНЗИМ	219
Г.Нормуродова, О НЕКОТОРЫХ ИЗМЕНЕНИЯХ В СОЦИАЛЬНОЙ СТРУКТУРЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (<i>КОНЕЦ XIX – НАЧАЛО XX ВЕКА</i>)	221
Feruza Sharopova, A'zam Boltayev. BUXORO AMIRI KOLLEKSIYASINING TAVSIFI	225
Исмат Нусратиллоевич Наимов. БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚОЗИ МАНСАБИ ВА ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ	228
Baxtiyorov Behruz Bobirovich. SOVET DAVRI MANBALARIDA BUXORO AMIRLIGINING BOSIB OLINISHI MASALALARINING YORITILISHI.....	232
Гулирухсор Темирова. XX АСР БОШЛАРИГА ОИД ЁЗМА МАНБАЛАРИДА БУХОРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ.....	234
Ғаниев Камолиддин. БУХОРО АМИРЛИГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИ ТАҲЛИЛИ (Ахмад Доңишнинг “Рисола, ёхуд Мангитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи” асари асосида)	236
Musinova Aziza Sadikovna. BUXORO KANDAKORLIK SAN'ATIDA NAQSH VA KOMPOZITSIYA	239
Inoyatova Mohinur Mirzobek qizi, Utayeva F.X. TURKISTON DAVRIY MATBUOTIDA IJTIMOIY JARA YONLARNING YORITILISHI	243
B.G‘. Rasulov. F.K.GIRS TAFTISH HISOBOTLARIDA ZARAFSHON OKRUGINING MA'MURIY-HUDUDIY TUZILISHI VA BOSHQARUV TIZIMINING AYRIM JIHATLARI.....	244
Tal'at Halimov. BUXOROLIK SAXOVATPESHA VA XALQ HOMIYSI CHORIQLBOY	246
G.R. Ostonova. POYI KALON ME`MORIY ANSAMBLI TARIXI.....	249
Рахимджанова Нигора. БУХОРО АМИРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ ВА САФАРЛАР ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИ)	252
Mahmuda G‘oyibnazarova. BUXORO AMIRLIGIDAGI IJTIMOIY-IQTISODIY JARA YONLAR (“OYINA” JURNALI MAQOLALARI ASOSIDA).....	256
Nosirov Sherzod O‘ktam o‘g‘li. BUXORO AMIRLIGI TARIXINI O‘RGANISHDA MAHALIY MATBUOT NASHRLARINING AHAMIYATI	259
Bobodustov Bobur Mirzoboyevich. XIX ASRNING OXIRI - XX ASR BOSHLARIDA ZARAFSHON VOHASI SUV XO‘JALIGIDA SARFLANGAN XARAJATLARNING TARIXIY-MANBAVIY TAHLILI.....	261
Qilichev R.E. BUXORO AMIRLIGIDA METALLSOZLIK	264
Nosirov Sherzod O‘ktam o‘g‘li. BUXORO AMIRLIGI TARIXINI YORITISHDA “TURON” GAZETASINING O‘RNI.....	266
Orziyev M.Z., Zayniyev K.M. O’RTA OSIYADA INGLIZ-RUS RAQOBATINING AFG’ONISTONDAGI MIGRATSIIYA JARAYONLARIGA TA’SIRI	268
Parmonov Sharofiddin Shavkatovich. VASSAL BUXORO AMIRLIGI DAVRIDA SHAHRISABZ BEKLIGI	271
Irgashov Xusniddin Nuridin o‘g‘li, Normatov Otobek Maxamatjonovich. BUXORO AMIRLIGIDA “YANGI USUL” MAKTABLARINING OCHILISHI VA ULARNING MINTAQADAGI FAOLIYATI	274
M.B.Misaboyeva, Normatov Otobek Maxamatjonovich. YOSH BUXOROLIKLAR HARAKATI TARIXIDAN	276
Махмуд Ҳамраев. АМИР ОЛИМХОННИНГ ИНГЛИЗ ҚИРОЛИГА МАКТУБИ.....	280
J.X.Arziqulov. BUXORO TADBIRKORLARINING KO‘RGAZMA VA YARMARKALARDAGI ISHTIROKI (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA)	282
Bayramova Nodira. BUXORO XONLIGIDA, XAYRLI KASALLIK” NOMINI OLGAN „RISHTA” VA	284

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

Yo'ldoshova Gulmira Samandar qizi, O.SH.Ahmadov. О'QUVCHI-YOSHLAR IJTIMOIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA BUXORO JADID MA'RIFATPARVARLARINING TARIXIY MEROSI	286
Sharopov Dilshod Ravshan o'g'li. P.I.DEMEZON VA I.V.VITKEVICH ASARLARIDA BUXORO AMIRLIGI TARIXI MASALASI.....	288
Феруза Саъдуллаевна Амонова. БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ.....	289
D.E. Saidova. BUXORO ADABIY MUHITIDA MUSIQIY NEGIZLAR (XIX-XX ASR).....	292
3-ШЎЬБА “БУХОРИЙ” ЛАРНИНГ ИЛМИЙ, ТАРИХИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ, УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	295
Қодирхон Маҳмудов. ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ҚИРОАТУ ХАЛФАЛ ИМОМ” АСАРИ ТАЪРИФИ ВА ФИҚХИ	295
Qamariddinova Gulrux Akmal qizi. RASHAHOT – BUXORODAGI XO'JAGON TARIQATI ULUG'LARINING ILM YO'LI TO'G'RISIDAGI QIMMATLI MANBA	297
Шоназаров Абдувоси Абдибоқиевич. АБУ ЖАҲФАР ВАРРОҚ БУХОРИЙ ВА УНИНГ “ШАМОИЛИ БУХОРИЙ” РИСОЛАСИННИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	299
A.N.Hakimova. IMOM AL-BUXORIY ILMIY MERO SINING JAON ILM-FANI VA MADANIYATGA TUTGAN O'RNI	302
Azimova Muhabbat Samadovna. BUXORIY IJODIDA BUXORO TARIXI MAVZUSI	304
4-ШЎЬБА ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРКИБИДА “БУХОРОДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ” СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ	308
Хамраев Азалшоҳ Ҳазратович. БУХОРОДАГИ ТУРКИ ЖАНДИ МАҚБАРАСИ ТАРИХИ	308
Rajabov Oybek Iskandarovich. HAZRAT KA'BUL AHBOR qadamjosi xususida.....	317
Жамшид Халилов, Умиджон Бақоев. БУХОРОДАГИ ШАЙХ САЙФИДИН БОХАРЗИЙ МАҚБАРАСИДАГИ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИК САҒАНАСИ	319
Савриев Жасур Фахриддинович. “НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ”СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ	322
Ismoilova D.A., Biyev N.O. BUXORODAGI MUQADDAS QADAMJOLAR, ZIYORATGOHLAR, AZIZ AVLIYOLAR ZIYORAT TURIZMI OB'EKTI SIFATIDA	325
5- ШЎЬБА БХСР ВА СОВЕТ ДАВРИДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ШАҲАРСОЗЛИК, ИЛМ-ФАН,.....	328
Қаҳрамон Ражабов. ТУРКИСТОН ҚЎРБОШИЛАРИ ВА ЖАДИДЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИ.....	328
Темур Хўжаўғли БУХОРО ХАЛҚ ШЎРОЛАР ЖУМХУРИЯТИДАГИ ВАҶЕАЛАРНИНГ БЕШ ЖОНЛИ ГУВОХИ	337
Фарруҳ Темиров. САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР) ДАВРИДАГИ ИЛМИЙ – ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. Биринчи мақола	344
Фарруҳ Темиров. САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР) ДАВРИДАГИ ИЛМИЙ – ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. Иккинчи мақола	347
Бобожонова Феруза Хаятовна. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАКТАБ МАСАЛАЛАРИ	349

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

Сулаймон Иноятов, Мавлуда Раҳмонова. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ МУХТАСАР ЁРИТГАН НОЁБ КИТОБ	353
Мавлуда Раҳмонова. БУХОРОЛИК АЛЛОМА ФИТРАТ	356
ШокирFaффоров. ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ ҚАТАФОН СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЗАЛВОРЛИ КИТОБ	360
Феруз Бобоев. ТУРКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ ТАРИХИ БЎЙИЧА ЯНГИ АСАР	362
Ahmadov Ahmadjon Asrор o'g'li. AFG'ONISTONDAGI BUXORO XALQ SOVET RESPUBLIKASI ELCHIXONASINING FAOLIYATI.....	363
Раҳмонова Сурайё Холқўзи қизи. БУХОРО ҲАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ (1920-1924).....	366
Алимов Баҳтиёр Шавкатович. ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ИНОМЖОН ХИДИРАЛИЕВНИНГ ПУБЛИЦИСТИК ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР.....	370
Махкамов Азизбек Комилжон ўғли. БХСР АРБОБЛАРИДАН БИРИ ПОРСО ХЎЖАЕВНИНГ ҲАЁТИ ВА ФОЖИАЛИ ТАҚДИРИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР.....	374
Самадов Искандар. АНАЛИЗИ И ВОПРОСЫ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ, ИСТОРИОГРАФИИ ТЕМЫ ХЛОПКОВОДСТВА В ХОРЕЗМСКОЙ И БУХАРСКОЙ НАРОДНЫХ СОВЕТСКИХ РЕСПУБЛИК	377
Нажимидинова Шоҳсанам Шоробидин қизи. БХСР ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	381
Мурод Рахматов. УСМОН ХЎЖА – БХСР МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ РАИСИ	385
Azimova Anora Asrорjonovna, Utayeva Feruza Xolmamatovna. BUXORO МАТБУОТЧИЛИГИ VA UNING O'ZIGA XOS TARIXIGA BIR NAZAR	389
Абдували Абдумуталибович Йўлдашев. БХСРНИНГ КИЁСЛИН ГИМНАЗИЯСИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАРИХИДАН	390
Jalilov Alisher Xudoyberdiyevich. BXSRDA MILLIY BOSHQARUV UCHUN KURASH ..	393
Қандов Баҳодир Мирзаевич. НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	396
Iminov Jasurbek Tulqunovich. SHARQ XALQLARI QURULTOYIDA BUXOROLIK VAKILLALAR	400
Mashhura Adiljon qizi Darmonova. USMON XO'JA O'G'LINING "TURKISTON" RISOLASI O'LKA TARIXIY GEOGRAFIYASINI O'RGANISHDA MUHIM MANBA	404
Rahmatov M.M. BUXORO XALQ SOVET RESPUBLIKASIDAN GERMANIYAGA O`QISH UCHUN KIMLAR YUBORILGAN EDI?	407
Murodova Dilrabo Shomurodovna. ARXIV HUJJATLARIDA BUXORO KONCHILIK VA GEOLOGIYA TEXNIKUMI FAOLIYATI.....	408
Рашидов Ойбек Расулович. БУХОРОНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ФАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	410
Qalandarov Hamza Hamroqul o'g'li. SOVET DAVLATINING O'ZBEKİSTONDA O'TKAZGAN DINIY SIYOSATI	414
К.Раҳмонов. МАҲМУД СУБОҲНИНГ "БЕҲБУДИЙ КЕЧАСИ" МАҚОЛАСИ ХУСУСИДА.....	416
Hasanova Habiba Yorqin qizi. BUXORODA 1917-1924 YILLARDA ELEKTROSTANSIYA QURISH SOHASIDAGI TEXNIK O'ZGARISHLAR	418
Сабиров Азизжон Раҳмонович. БУХОРО ҲАЛҚ ШЎРОЛАР ЖУМХУРИЯТИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ	420
Отабек Эргашев. БУХОРОДА БОЛЬШЕВИКЛАР ТОМОНИДАН ЙИРИК МУЛҚДОРЛАР ВА БОЙЛАРНИНГ ҚАТАФОН ҚИЛИНИШИ	423
Бахтиёр Сафаров. БУХОРО КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ВА СЎЛ ЭСЕРЛАР ЎРТАСИДАГИ ИХТИЛОФЛАР ЁХУД БИТТА АРХИВ ҲУЖЖАТИНИНГ ТАХЛИЛИ	429

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

Shuxrat Yodgorovich Qudratov. BUXORO AMIRLIGIDA TADBIRKORLIKNING IPAK VA TO'QIMACHILIK SOHALARI FAOLIYATIGA DOIR AYRIM MA'LUMOTLAR.....	435
Userbayeva Feruza Inoyat qizi, Kamoliddinov Farrux Burxoniddin o'g'li. BUXORODA JADIDCHILIK HARAKATINING NAMOYONDALARI (SADRIDDIN AYNIY MISOLIDA)	437
Ergashev Suxrob Muxiddinovich. SOVET DAVRIDA BUXORO MAORIFI MASALASI	439
Д.Р.Норова. П.А. ГОНЧАРОВА “БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК САНЪАТИ” КИТОБИ ХУСУСИДА.....	442
О.А.Исаев. СУРХОН ВОҲАСИГА АНДИЖОН, ФАРФОНА ҲАМДА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДАН КЎЧИБ КЕЛГАНЛАР ВА ҚУЛОҚ ҚИЛИНГАН ҲЎЖАЛИКЛА ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ	443
Ризаев Бахтиёр Назарбоевич. БУХОРО ОБЛАСТИНИНГ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҲЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	446
Utayeva Feruza Xolmamatovna. BUXORO TO'QIMACHILIK FABRIKASIDA KUTUBXONA, SPORT TO'G'ARAKLARI FAOLIYATI	448
Hayitov Shodmon Ahmadovich, Hasanova Habiba Yorqin qizi. BUXOROGA AVTOMOBIL, FUQARO VA HAVO TRANSPORTINING KIRIB KELISHI VA FLOTIYA TASHKIL ETILISHI TARIXIDAN	450
Қаҳрамон Кенжавич Ражабов. “Пахтакор” стадионидаги тартибсизликлар ҳамда ўзбек ёшларининг таъқиб этилиши (1969 йил апрель – сентябрь)	452
Murodova Dilrabo Shomurodovna. ARXIV HUJJATLARIDA BUXORO KONCHILIK VA GEOLOGIYA TEXNIKUMI FAOLIYATI.....	452
Haitov J.Sh. SOVET HOKIMIYATI YILLARIDA BUXORODA PAXTACHILIK TARMOG'INING RIVOJLANISHI (Buxoro viloyat davlat arxivni ma'lumotlari asosida)	461
Nasilloyev Sunnat Shavkat o`g`li. O'ZBEKİSTON SSRDA ILM-FAN SIYOSATI (OLIY TA'LIMDAGI 1943 YIL ILMIY TADQIQOTLARI TADQIQOTLARI MISOLIDA.).....	463
M.B.Siddiqov. IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA HARBIY XIZMATCHILARNING OILASIGA KO'RSATILGAN GAMXO'RLIK (BUXORO VILOYATI MISOLIDA).....	466

6-ШЎЬБА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ; ЯНГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, НАШРЛАР ВА ИЗЛАНИШЛАР.....

138 Boltayev Bobir Baxtiyorovich. BUXORO NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI TARIXI MUZEYI FAOLIYATIDAN BIR LAVHA	470
3.А.Шамсиева. “РАХТЗАНОН” МАРОСИМИ ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛИ (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА).....	472
Асрор Пардаев. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА АҲОЛИНИ ИСТЕМОЛИ МОЛЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРЛИГАН ТАДБИRLAR	474
М.Ў.Юсупова. БУХОРОДА НИШОНЛАНАДИГАН БАЙРАМЛАРНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	478
Nafisa Hayotova Zakirovna. BUXORODA TARIXIY YODGORLIKALARINING HOLATI VA ULARNI TA'MIRLASH MASALALARI	481
Жўраев Шерали Ғулом ўғли. ТАРИХ ИЛМИЙ БЎЛИМИДАГИ АРХЕОЛОГИК ЭКСПОНАТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	486
Qurbanov Bekjon G‘ayrat o‘g‘li. BUXORODAGI MIR ARAB MADRASASI TARIXI VA BUGUNGI KUNDAGI FAOLIYATI.....	489
Tuyev Fazliddin Erkinovich, Tolibjonova Muxlisa Behzodjonovna. BUXORO VILOYATINING SOG'LIQNI SAQLASH SOHASINING ISLOH QILINISHI VA TASHQI ALOQALARI. (1998-2001-YILLAR).	492
Муртазина Д.Р., Муртазин Эмиль Рустамович. ИССЛЕДОВАНИЕ ИСТОРИИ БУХАРЫ: ПУТЕШЕСТВИЕ ЧЕРЕЗ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ	494

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

Nosirova S.S. Nasimov D.B. AJDODLAR MEROSI - MATO HUNARMANDCHILIK NA'MUNALARINING ASRAB AVAYLASHNING DOLZARBLIGI	496
Kazakova Marifat Dexkanovna. OLIY TA'LIM TIZIMI RIVOJIDA BUXOROLIK AYOL OLIMALARNING O'RNI (BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI MISOLIDA)	500
Qurbanova Dilnora Nuriddin qizi. TARIX FANINI O'QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH SAMARASI	502
Sobirov Umid Baxtiyorovich. O'ZBEKISTONDA BUXORO TARIXINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI	503
بررسی نقش بخارا به عنوان پایتخت فرنگی سامانیان سعیده کاظمی منش	505

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусида Республика миңесидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2024 йил 10 май

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Адади 20 нусха. Ҳажми 522 бет. Формат А4. Буюртма 256. 2024 йил.